



AGROBANK

**“Хар бир оила тадбиркор”
дастури доирасида тадбиркорлик
фаолиятини амалга ошириш ва
маслаҳат олиш учун қуйидаги
телефон рақамларга
боғланишингиз мумкин.**

**Телефон рақамлари:
71 202 80 08 (11267)**

**Электрон манзил:
headoffice@agrobank.uz
www.agrobank.uz**

Хизматлар лицензияланган.



**БОҒДОРЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
УЧУН**

**Агробанк томонидан
“Хар бир оила тадбиркор”
дастури доирасида ажратиладиган
имтиёзли микрокредитлар**

Асосий тушунчалар

“Хар бир оила тадбиркор” дастури доирасида микрокредитлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларни ташкил этишга, уларни техник ва технологик жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадларида ажратилади.

Қарз олувчи – тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган жисмоний шахслар, шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектлари.

Кредит мақсади

Боғдорчиликни ривожлантириш учун.

Жисмоний шахслардан талаб этиладиган ҳужжатлар:

- Ариза;
- Паспорт;
- Туман оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази хулосаси;
- Мол етказиб берувчи ташкилот билан тузилган шартнома.

Кичик тадбиркорлик субъектидан талаб этиладиган ҳужжатлар:

- Ариза;
- Бизнес-режа;
- давлат солиқ инспекциясига охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), молиявий натижалари (2-сон шакл) ҳисоботи (янги ташкил этилган юридик шахслар бундан мустасно);
- Мол етказиб берувчи ташкилот билан тузилган шартнома.

Таъминот тури:

Жисмоний шахслар учун:

- микрокредит қайтарилишининг таъминотиغا сектор раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғинининг оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун бериладиган имтиёзли кредитлаш бўйича тавсияномаси.

Бунда тижорат банклари кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталайди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари учун:

- учинчи шахс кафиллиги;
- суғурта полислари;
- кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар;
- Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги;
- бошқа таъминот турлари.

Кредит миқдори

- БҲМ*нинг 150 бараваригача миқдорда - оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун;
- БҲМнинг 1000 бараваригача миқдорда - кичик тадбиркорлик субъектлари учун;
- БҲМнинг 1000 бараваридан ортиқ миқдорда - самарадорлиги юқори ва барқарор иш ўринлари яратиш имконияти мавжуд лойиҳалар учун.

Фоиз ставкаси

Микрокредитлар йиллик 14 фоиз устама тўлаш шarti билан ажратилади.

Кредит муддати

- Микрокредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга;
- Айланма маблағларни тўлдиришга имтиёзли кредитлар 18 ой муддатгача револьвер кредит тарзида ажратилади.

*БҲМ - базавий ҳисоблаш миқдори

**БОҒДОРЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
УЧУН**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	Ажратиладиган кредит миқдори мевали дарахтлар сотиб олиш харажатлари (75 туб қўчат*15 минг сўмдан)	минг сўм	1 125
2	Бошқа харажатлар (кимёвий воситалар, минерал ўғит ва ҳ.к)	минг сўм	400
3	Жами йиллик кредит фоизи	минг сўм	282
4	Кредит тўлови	минг сўм	1 125
5	Жами харажат	минг сўм	1 807
6	Олинадиган маҳсулот (3-йилдан сўнг 1 туп дарахт 10 кг*75 туп дарахт)	кг	750
6.1	Жами даромад (1 кг меванинг ўртача нархи 6 минг*750)	минг сўм	4 500
7	Соф фойда	минг сўм	2 692

